

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»
Бухоро минтақавий филиали
Харид комиссияси раиси



З.Э.Мардонов
2022 г.

ТАНЛАШ ХУЖЖАТИ

«АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бухоро минтақавий филиали биносини
жорий таъмирлаш» бўйича танлаш

Бухоро 2022 й.

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ҚҰЛЛАНМА

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Лойиханинг тўлиқ номи: АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бухоро минтақавий филиали биносини жорий таъмирлаш» бўйича танлаш.

1. Танлаш ўтказиш учун асос: банк Бошқарувининг 2021 йил 29 декабрдаги 34-сонли қарори.
2. Танлашнинг чегара нархи – ККС билан 319 797 733,0 (уч юз ўн тўқиз миллион етти юз тўқсон етти минг етти юз ўттиз уч) сўмни ташкил этади.
3. Буюртмачи – АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бухоро минтақавий филиали (кейинги ўринларда Буюртмачи). Манзили: 200117, Бухоро ш., М.Иқбол, 3/1 уй, тел.: (998 78) 770-01-87.
4. Электрон танлашга тижорат таклифини тақдим этиш манзилини ва танлаш таклифларини қабул килишнинг охирги муддати: www.etender.uzex.uz платформада танлаш ўтказиш бўйича берилган эълондаги муддатгача таклифларни электрон кўринишда жойлаштирилади.
5. Таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун режалаштирилган муддат – шартнома тузилган кундан бошлаб 42 кун давомида.
6. Молиялаштириш манбай – Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан.
7. Танлашда ушбу хужжатда белгиланган шартларни бажарган ва танлаш асосида сотиб олинган хизматларнинг тегишли хажмларини тақдим этиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар (кейинги ўринларда иштирокчи) иштирок этишлари мумкин.

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА БЎЛГАН МАЛАКАВИЙ ТАЛАБЛАР

8. Танлаш иштирокчиларига 1-иловада келтирилган малака талаблари қўйилади (ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда ёки талабларга мувофиқлиги тўғрисида хужжатли далилларни тақдим этишдан бош тортган тақдирда, иштирокчи танлашда катнашишдан четлаштирилади).

9. Малака танлови учун Танлаш иштирокчиси танлаш таклифи билан биргаликда ушбу танлаш хужжатининг 1-иловасида келтирилган малака хужжатларини тақдим этиши шарт.

10. Ушбу бобда кўзда тутилган талабларга жавоб бермайдиган ташкилот ва фирмаллар танлашда иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

11. Танлаш иштирокчиси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ танлаш доирасида берилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгардир.

ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ, БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ МУДДАТЛАРИ

12. Танлаш таклифининг амал қилиш муддати танлаш таклифларини қабул қилиниши тугаган кундан бошлаб камида 3 ойдан кам бўлмаслиги керак.

13. Тижорат таклифларни қабул қилиш муддати ва вақти Ўзбекистон товар ҳом-ашё биржасининг etender.uzex.uz сайтида эълон чиқсан кундан бошлаб 12 иш куни ичida.

14. Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган нийтда факат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади.



15. Танлаш таклифларини кўриб чикиш муддати таклифларни қабул килиш муддати тугаган санадан 10 иш кун.

16. Танлаш таклифларини баҳолаш жараёнида Харид комиссияси танлаш иштирокчиларини тушунтиришлар бериш ва тасдиқномалар сўраб олишга хақлидир.

17. Танлаш малака талаблари таклифлари 1-иловага мувофиқ баҳоланади. Танлаш ҳужжатларига мувофиқ тижорат таклифи тақдим этган, энг паст нарҳ таклиф қилган иштирокчи etender.uzex.uz платформасида автоматик равишда танлаш ғолиби деб топилади.

18. Арифметик ёки бошка хатолар мавжуд бўлганда, Харид комиссияси бу хакида танлаш иштирокчисига хабар бериб, танлаш таклифини рад этишга ёки танлаш таклифини кейинги кўриб чикиш шартларини белгилашга хақлидир.

19. Харид комиссияси ва буюртмачи танлаш иштирокчиларининг танлашда қатнашиш билан боғлик харажатлари учун моддий жавобгар эмаслар.

20. Танлаш ғолиби Харид комиссияси баёни тасдиқлангандан сўнг 2 иш кунига мажбурий мухокамада бўлади. Ушбу икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўtkазиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва Харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўrtасида шартнома тузилади.

21. Харид комиссияси ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар танлаш иштирокчиларини хабардор килган холда исталган вактда танлашни бекор қилиш хукукига эга



ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАР ВА ТИЖОРАТ ТАКЛИФЛАРНИ МАЛАКАВИЙ БАХОЛАШ ТАРТИБИ ВА МЕЗОНЛАРИ

| № | Мезонлар | Баҳолаш | Изоҳ |
|---|--|---------------|--|
| 1 | Танлаш иштирокчининг СТИР ракамини тақдим этиши лозим (Тасдиқланган шаклда тақдим этилилиши лозим.) | Ха / Йўқ | Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади. |
| 2 | Солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган карздорликнинг мавжуд бўлмаслиги керак.(Солик органларидан олинган маълумотнома биритирилади.) | Ха / Йўқ | Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади. |
| 3 | Танлаш иштирокчиси техник шартларга қатъий мувофиқ қилган холда таъмирлаш ишларини бажариши керак.(Рози / Норози – электрон шаклда тўлдирилади.) | Рози / Норози | Агар Норози бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади. |
| 4 | Танлаш иштирокчиси ўзи фаолият юритувчи тижорат банкларида муддати ўтган ёки суд жараёнидаги кредит карздорлиги мавжуд бўлмаслиги керак.(Хизмат кўрсатувчи тижорат банкларидан бу борадаги тасдиқланган маълумотнома тақдим этилиши керак.) | Ха / Йўқ | Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади. |
| 5 | Танлаш иштирокчиси www.etender.uzex.uz электрон порталида жойлаштирилган шартнома шакли ва матнида шартнома имзолаш розилиги (Рози / Норози – электрон шаклда тўлдирилади.) | Рози / Норози | Агар Норози бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади. |
| 6 | Коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик.(Рози / Норози – электрон шаклда тўлдирилади.) | Рози / Норози | Агар Норози бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади. |



| | | | |
|---|---|----------|---|
| 7 | Танлаш иштирокчиси Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига тегишили www.mc.uz сайтида “Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинги”да камидা “ССС” рейтингига эга бўлиши керак.(Рейтинг хужжати тақдим этилади.) | Ха / Йўқ | Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади. |
| 8 | Танлаш иштирокчиси охирги 3 йил давомида давлат органлари ва ташкилотлари хамда йирик акциядорлик жамиятларининг қурилиш ишлари буйича хизматни амалга оширганлигини тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиши керак.(Шартнома нусхаси, ташкилотлар тавсияномаси, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномалар тақдим этилиши лозим.) | Ха / Йўқ | Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади. |

*Харид комиссияси малакавий танлашни амалга оширади. Агар танлаш иштирокчиси томонидан талаб қилинган маълумотлар тақдим этилмаган бўлса, Харид комиссияси уни танлашдан четлаштиради.

«АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бухоро
минтақавий филиали бош бухгалтери



Н.А.Холбаев